Хоразм вилояти Шовот туманидаги
24-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси
Машарипова Бикажоннинг
1-синфда алифбе фанидан ўтказган саводхонлик байрами тадбири

“Алифбе байрами” ўқувчиларнинг дастлабки эришган ютуқларининг якуни ҳисобланади. Байрам эрталигини мазмунли уюштириш. Бу байрам таълимда муҳим ўтказиш лозим. Бу байрам таълимда муҳим аҳамиятга моликдир. Байрамга олдиндан тайёргарлик кўриш болаларда мустақиллик, ташаббускорлик каби фазилатларнинг таркиб топишга ёрдам беради. Бундай тантанали куннинг қачон ўтказиши ҳақида ота-оналарни ҳам олдиндан хабардор бўлганлари маъқул. Чунки улар ҳам ўз фарзандларини ютуқларини кўриш учун байрамга керакли нарсаларни хозирлашда ўқитувчига ёрдам берадилар. Байрамга тайёргарлик кўрувчилар ўқувчиларнинг биринчи ёзувлари, тузган расмлари, пластилин, лой ва қоғоздан ясаган нарсалари дафтарлари, синф ҳаёти билан танишадилар. Байрамга ота-оналар, мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар, ўқувчилар ҳам қатнашади. Алифбе байрами синфда ўтказилади. Парталар устига Алифбе, китоби қўйилади. Меҳмонлар ва болалар ўз жойларига ўтирадилар. Шундан кейин мен болаларга ўз фикрларимни баён қилдим.

Болалар бугун-энг охирги савод ўргатиш дарси. Алифбени ўқиб, ўргандик. Энди у билан ҳайрлашамиз. Яқиндагина мактабга келганингизда сиз ўқиш, ёзишни билмас эдингиз қизиқ кирobларни фақат расмларинигина билар эдингиз. Эндичи китобда нималар ёзилганини дарров ўқиб, билиб оладиган бўлдингиз. Бу тантанали кун билан ҳаммангизни муборакбод этаман.

Ўқитувчи:
Азиз ота-оналар,
Ширин шаҳар болалар
Бугун байрам – тантана
“Алифбе тўйи” билан
Сизларни табриклайман

Қарсаклар янграйди

Болалар:
Сизга раҳмат муаллим
Бизга бердингиз таълим

Ўқитувчи:
Бу байрам сабабкори,
Билимлар пойдевори
Маъноли ширин сўзи,
Қани “Алифбе” сўзи?
Алифбени чақирсак
Барабар қарсак чалсак

Болалар:
Алифбежон кела қол
Олқишлаймиз қулоқ сол

Бўйнига катта “Алифбе” расми осилган қиз бола келиб келади.

Алифбе:
Ассалому алайкум
Азиз ота-оналар
Ва қандрдон болалар
Саводхонлик муборак
Байрам шодлик муборак

«Умид» мактаб-интернати
www.idum.uz - ўқитувчилар учун хужжатлар, дарс ишланмалар, тестлар, тарқатма материаллар

Болалар:
Раҳмат сенга “Алифбе”
Раҳмат сенга “Алифбе”

Бошловчи:
Чиндан кадрдон бўлдинг
Сен Алифбе китобим
Сўзга гўё нур бердинг,
Чарақлаган офтобим
Ўқитувчим ҳижжаллаб
Барча ҳарфни танитди
Билимга сен сабаб
Ўқий оламан энди
“А” дан тутуқ белгисигача
Ўқиб бўлдим билағон
Сенга дилдан ташаккур
Унитмаймиз ҳеч қачон

Алифбе:
Азиз болажонлар сиз нималарни ўргандингиз?

Болалар:
Чизиқчалар чизишди
Ўқишни ва ёзишни
Ҳарфларинг ўттизта
Товушларинг йигирма тўққизта

Алифбе:
Балли эй дили оқлар
Фан билимга чанқоқлар
Миннатдорман сизлардан
Баҳтли ўғил қизлардан
Яна савол қалайсиз,
Қай товушлар биласиз

Болалар:
Товушлар унли-ундош,
Бири кўзу бири қош

Болалар:
Унлилардир 6 ҳарф
Бари тетик лўнда ҳарф
Ундошлардир 23 товуш
Улар ҳам бўлинади
Алифбе:
Зеҳнингизга офарин!

Ўқитувчи:
Товушлар тилга кирсин

“Аа” ҳарфи:
Ассалому алайкум
Мен “А” ҳарфиман ўртоқ
“Алифбо ҳам, аввало-
Мендан бошланар ҳар чоқ”

«Умид» мактаб-интернати
www.idum.uz - ўқитувчилар учун хужжатлар, дарс ишланмалар, тестлар, тарқатма материаллар

“Бб” ҳарфи:
“Б” ман “А” дан кейинги
Мен келаман албатта
Билимли бўлган бола
“5” олади мактабда

“Дд” ҳарфи:
Мен “Д” ҳарфи бўламан
Дарс сўзида келаман
Кимки ақлли, доно
Сўзлари доно –доно

“Ээ” ҳарфи:
Билиб олинг мен-чи “Э”
Қўл силтаб демангиз “Э”
Эркатою, эринчоқ
Эртакда учрар кўпироқ

“Фф” ҳарфи:
“Ф” ман, болаларга
Истаб файзу, баракат
Фаҳрли фаросатли
Бўлсинлар дейман фақат

“Гг” ҳарфи:
“Г” ман гавдали
Етди нонга гал
Гулда учрайман
Гул қандай гўзал

“Ҳҳ” ҳарфи:
“Ҳ” ҳарфиман ҳайратда
Мэнга боқмангиз ҳайвон
Ҳамма ҳарфлар ичида
“Ҳ”ни ажратиш осон

“Ии” ҳарфи:
Каминани “И” дерлар
Тик ва ақл қоматим
Илм истаса кимки
Кулар бахти омади

“Жж” ҳарфи:
“Ж” ман кўримли жуда
Сафларда бораман
Ёзинг: “Жўжа” деб
Ишга тайёрман

“Кк” ҳарфи:
“К” ман кўргансиз
Китобларда кўп
Ҳар кун юз кўришайлик
Келишдикми, хўп!

«Умид» мактаб-интернати
www.idum.uz - ўқитувчилар учун хужжатлар, дарс ишланмалар, тестлар, тарқатма материаллар

“Лл” ҳарфи:
“Л” ман, мени билар
Лобар Лолалар
Таниб оларкан қачон
Ялқов болалар

“Мм” ҳарфи:
“М” ман муқим яшайман
Мустақил мамлакатда
Мустақиллик-муқаддас
Мустаҳкамланг албатта

“Нн” ҳарфи:
Навбат мэнга ўртоқлар,
Ўхшайман-а нарвонга
Босиб зинама-зина
Етинг, мақсадга

“Оо” ҳарфи:
Мен омон сўзлай ҳозироқ
Олма каби думалоқ
На қўлимб ор на оёқ,
Ўҳшайманми думалоқ

“Пп” ҳарфи:
“П”ман машқ қилиб пишиб
Бўлдим, палвон паҳлавон
“Кураш” тушсак, энгилиб
Бўлманг менга пушаймон

“Ққ” ҳарфи:
Мен бўламан “Қ” ҳарфи
“О”га озроқ ўҳшайман
Думум бор қуёнмасман
Қўш қанотли қушдайман

“Рр” ҳарфи:
Биз ҳарфлар ранг-баранг
Синчиклаб яхши қаранг
“Р”ни дарров топасиз
“Р” – ракета деб ёзасиз

“Сс” ҳарфи:
“С” ман сизлаб сўзлайман
Мен учрайман кўп сўзда
Синчиқлаб олиб сабоқ
Савод чиқаринг тезда

“Тт” ҳарфи:
“Т” ман гўё тиргакман
Сизга жуда керакман
Айтинг: Тўрами, Тоҳи
Мени қай бири танир

“Уу” ҳарфи:
Ҳарфлар ичида
Хурмача “У” ман
Уйда. узумда,
Учраган “У” ман

“Вв” ҳарфи:
“Варрак” , “варақ” сўзлари
Менсиз асло ёзилмас
“В” лигимни билсангиз-а
Дўстлигимиз бузулмас

“Хх” ҳарфи:
Хабар берай ўзимдан
Камина ҳам хизматда
Ҳали хўроз сўзида,
Учрайдирман албатта

“Йй” ҳарфи:
Қизиқ, йўлчи йўлдошлар
Йўлбарс деб ёзишар
“Й” ни кўрсат дейишсалар
Билмай бармоқ тишлашар

“Зз” ҳарфи:
Танишайлик “З” бўламан
Ким бўлса зийрак зукко
Суҳбат қуриб доимо
Зериктирмайман асло

“Ўў” ҳарфи:
“Ў” ман мен билан
Ёзилар “Ўзбекистон”
Ўзлигини таниса ким
Уни танийди жаҳон

“Ғғ” ҳарфи:
Мен ғайратли “ғ” дирман
“ғ” га ўхшайман айтингчи
Шовқин солмай айтингчи
Фарқим нимада ўртоқ?!

“Шш” ҳарфи:
“Ш” ман хизматга шайман
Бўлманг алсо шашқалоқ
“Шахмат” ва “Шакар”дан
Мени тониб олинг тезроқ

“Чч” ҳарфи:
“Ч” ман, билмайман чарчоқ
Кимки билимга чнқоқ
Чала-чулпа чайналмай
Мени ўқир қийналмай

“Нгнг” ҳарфи:
Ўқувчи кўз ўнгида
Учрайман сўз сонгида
Бодринг диринг-диринг
Бехато тўғри ёзинг

“ ъ ” тутуқ белгиси:
Кимнинг келса билгиси
Менман тутуқ белгиси
Учрайман қайси сўзда
Қани ким топар тезда?

Ўқитувчи:
Сиз қадрли меҳмонлар,
Кўз нури болажонлар
Ўқиш шеър айтиш билан
Қўшиқлар куйлаш билан
Ёзадилар чиройли
Хатларин кўринг, майли

Ўқитувчи ота-оналарга ўқувчиларни дафтарларини тарқатади.

Алифбе:
Офаринлар сизга бўлсин
Болажонлар офарин
Болалар:
Раҳмат сенга, “Алифбе”
Раҳмат сенга, “Алифбе”!

Ўқувчи:
Сени тоза сақладик,
Рангли суратларинг бор
Шеър ҳикоянг ўргандик
Бизлар сенда миннатдор

Алифбе:
Мени доим тоза тутган
Ширин-шакар, болалар
Фан калитин қўлга олган,
Ақли расо қоналар.
Хайрлашаман, сизга атай
“Ўқиш китоби” – тушаман
Тоза тутин худди мендай
Билим бўлсин мустаҳкам!

Алифбе ўқиш китобини бошлаб келади, у йиғилганларга салом бериб киради.

Ўқиш китоби:
Бахтли авлод болажонлар
Сизга дилдан ассалом
Илмга чанқоқ укажонлар
Сизга чексиз эҳтиром
Шу бугундан киришамиз
Сизлар билан дўст иноқ

«Умид» мактаб-интернати
www.idum.uz - ўқитувчилар учун хужжатлар, дарс ишланмалар, тестлар, тарқатма материаллар

Ака-ука тутинамиз
Вақтларингиз бўлсин роғ
Кўп ҳикоя шеърларим бор –
Ўқиб бўлинг билимдон
Асло бўлманг бееътабор,
Борман хизматга тайёр.

“Ўқиш китоби” ўқувчиларга тарқатилади. “Алифбе” ҳайрлашиб чиқиб кетади. Ота-оналар вакллари, мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар, ўқувчилар болаларни саводхон бўлганликлари билан табриклайдилар. Янги китоблар билан ҳам табриклайдилар.

Болалар:
Яхши қол, “Алифбе” хайр
Раҳмат сенга “Алифбе”

Шундан кейин болалар иштирокида қўшиқ, ўйин берилади.